

“Ёш китобхон” танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом ёшлар ўртасида “Ёш китобхон” танловини (бундан кейинги ўринларда – “Танлов” деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Ушбу танлов бевосита ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини оширишга каратилган устувор вазифаларни изчил амалга оширишга йўналтирилган.

1.3. Танловни юкори савияда ўтказиш учун Ўзбекистон ёшлар итифоки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари ташкилий-амалий ишлар бўйича, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-ижодий ишлар бўйича масъул ташкилотлар этиб белгиланади.

II. Танловнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Кадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиккан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини, умумбашарий цивилизация, маданият, дунёвий ва диний илм-фан тарақкиётига улкан хисса кўшган улуғ аждодларимизнинг ноёб асарларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол етказиш, уларнинг нодир меросини, ибратли хаётни ва ижтимоий фаолиятини хар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида ташкил этилади.

2.2. Танловни ташкил этиш оркали кўйидаги вазифалар бажарилиши кўзда тутилади:

ёшларнинг барча катламларини китоб ўқишига даъват этиш хамда китоб ўқишига бўлган кизикиш ва интилишларини кўллаб-кувватлаш, жойларда адабий мухит шаклланишига эришиш;

ёшлар онгига Ватанимиз тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий хаёт хакидаги тушунча ва билим-кўнікмаларини янада юксалтириш;

миллий адабиётимизнинг дурдона асарлари, адибларимиз ижодини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, келажакда ижодкор ёшлар томонидан бадиий стук, юкори савияли асарлар яратилишига эришиш.

III. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

3.1. Танловда 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган Ўзбекистоннинг барча ёшлари, хусусан ўқувчи-талабалар, ишчи-ходимлар, харбий хизматчилар, уюшмаган ёшлар ва бошқалар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш вазифаси масъул ташкилотларнинг вакилларидан иборат Ташкилий кўмита зиммасига юклатилади.

Ташкилий кўмита заруратдан келиб чиқиб, танлов низоми ва уни ўтказиш тартибига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиши мумкин.

3.3. Танловда иштирок этишини хоҳловчи ёшлар Ўзбекистон ёшлар итифокининг таълим муассасаларидаги бошлангич ташкилотлари ёки маҳаллий Кенгашларига ариза

билин мурожаат килиб, ўзи ҳакидаги тегишли маълумотлар (танлов анкетаси, туғилганлик ҳакидаги гувохнома ёки паспорт нусхалари, ўқиши, иш ёки яшаш жойидан)ни тақдим этади.

3.4. Танловда ёшлар ўзлари яшаётган ёки ўзлари ўқиётган (ишлаётган) муассасаси жойлашган худуддан иштирок этади.

3.5. Танлов қўйидаги учта ёш тоифаси бўйича алохида-алохида тартибда ўтказилади:

- 10 ёшдан 14 ёшгacha бўлган ёшлар;
- 15 ёшдан 19 ёшгacha бўлган ёшлар;
- 20 ёшдан 30 ёшгacha бўлган ёшлар.

3.6. Танлов тўрт боскичда ташкил этилади.

Биринчи боскич танловнинг аризалар кабул килиш ва саралаш боскичи бўлиб, унда танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлардан аризалар кабул килинади ва иштирокчилар тест синови асосида сараланади.

Аризалар ҳар йили 15 апрелдан 20 майгача Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошлангич ташкилот етакчилари ҳамда туман (шахар) Кенгашлари томонидан кабул килинади.

Тест синови ҳар йили 20 май - 1 июнь куни оралиғида ўтказилади. Унда ариза топширган ёшлар адабиётига ва буюк адилодаримиз хаётни ижодига оид 50 та тест саволларига жавоб бераб. ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл белгиланади.

Тест натижаларига кўра 86 ва ундан юкори балл тўплаган ёшлар кейинги (иккинчи) боскичда иштирок этиш хукукини кўлга киритади.

Иккинчи боскич танловнинг маҳаллий боскичи бўлиб. ҳар йили июнь ойида барча туман (шахар)лар миқёсида саралаш боскичидаги юкори баллни кўлга киритган иштирокчилар ўртасида қўйидаги шартлар асосида ўтказилади:

- “Ўзбек адабиёти билимдони” шарти (20-21 аср адабиёти бўйича);
- “Жаҳон адабиёти билимдони” шарти.

Ҳар бир ёш тоифаси бўйича галибликни кўлга киритган иштирокчилар (жами 3 нафар) худудий боскичга йўлланма олади.

Учинчи боскич танловнинг худудий боскичи бўлиб. ҳар йили июль-август ойларида қўйидаги 2 та шарт асосида телетанлов шаклида ўтказилади.

- “Ўзбек адабиёти билимдони” (мумтоз адабиёт бўйича) шарти;
- “Буюк мутафаккир ва адаб” шарти (буюк аждодларимиз бўйича).

Ҳар бир ёш тоифаси бўйича галибликни кўлга киритган 1 нафардан иштирокчилар Республика боскичига йўлланма олади.

Тўртинчи боскич танловнинг Республика боскичи бўлиб. ҳар йили октябрь-декабрь ойи давомида “Ёшлар” телеканали оркали телетанлов шаклида 4 та шарт асосида ўтказилади.

3.7. Танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш масъул ташкилотларнинг вакилларидан иборат Ташкилий қўмита зиммасига юклатилади.

3.8. Танловнинг туман (шахар), вилоят ва республика боскичлари бўлиб ўтадиган жойи, санаси республика ва худудий Ташкилий қўмиталар томонидан белгиланади ҳамда 10 куни олдин худудий боскичларда галиб бўлган иштирокчиларга маълум килинади.

3.9. Хар йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маянвият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда танлов шартлари бўйича даврлаштирилган холда адиллар ва уларнинг асарлари рўйхатларини шакллантириб боради ҳамда саралаш боскичидаги фойдаланиш учун тест саволларини тушиб беради.

IV. Танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

4.1. Танлов кўйидаги шартлар асосида ўтказилади:

1-шарт. “Ўзбек адабиёти билимдони”.

Ушбу шартда ўзбек адабиётига оид китоблардан парча ўқилади ва иштирокчидан асарни топиш ҳамда мазмун-моҳияти, гояси ва аҳамияти тўғрисида гапириб бериш сўралади. Шарҳлаш жараённада иштирокчи билимини текшириш максадида хакамлар хайъати томонидан кўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар китобдан парчани билет тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун 2 дақика, жавоб бериш учун 3 дақика вакт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

2-шарт. “Жаҳон адабиёти билимдони”.

Ушбу шартда Республика ташкилий кўмитаси томонидан тавсия этилган жаҳон адабиётига оид китобларнинг мазмун-моҳияти, гояси ва аҳамияти тўғрисида иштирокчилар шарҳлаб бериши сўралади. Шарҳлаш жараённада иштирокчи билимини текшириш максадида хакамлар хайъати томонидан кўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар китоб номини билет тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун 1 дақика, жавоб бериш учун 3 дақика вакт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

3-шарт. “Буюк мутафаккир ва адаб”.

Ушбу шартда Республика ташкилий кўмитаси томонидан тавсия утилган Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улугбек, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий сингари улуғ алломалар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндалари хакида маълумот беришлари сўралади, иштирокчи билимини текшириш максадида хакамлар хайъати томонидан кўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар улуғ алломалар ёки ўзбек адабиёти намоёндалари номини билет тортиш орқали танлайди. тайёргарлик кўриш учун 2 дақика, жавоб бериш учун 3 дақика вакт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

4-шарт. “Шеърият”.

Ушбу шартда иштирокчилар Республика ташкилий кўмитаси томонидан тавсия этилган шеърий парча давом эттириши ҳамда мазмун-моҳиятини шарҳлаб бериши сўралади.

Иштирокчиларга тайёргарлик кўриш учун 2 дақика, жавоб бериш учун 3 дақика вакт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

4.2. Танловлар жараённада фойдаланиладиган саволлар ва тестлар мажмууси Республика ташкилий кўмитаси томонидан танловнинг барча боскичлари учун алоҳида алоҳида тузилади. маҳсус конвертларга солиниб, муҳрланади ҳамда жойларга етказилади.

4.3. Танловнинг худудий ва республика боскичларида юкоридаги шартлар мавзуси сакланган холда, шартлар мазмуни ва тартиби телетанловга мослаштирилган шаклда ўтказилиши мумкин.

Танлов шартларидағи ўзгаришлар бўйича иштирокчилар беллашувдан камида 3 кун олдин хабардор килинади.

4.4. Танловнинг хар бир боскичида шоир-ёзувчилар, ўқитувчилар, журналистлар ва бошка мутахассислардан иборат Ҳакамлар хайъатлари тузилади.

Ҳакамлар хайъати иштирокчиларни баҳолашда уларнинг белгиланган китобларни ўқиганлигини текширади ҳамда моҳиятини тўғри тушунгани ва ифода этиб бера олиш кобилиятига караб баҳолайди.

4.5. Танлов ўтадиган кундан камида бир ой олдин белгиланган китоблар рўйхати эълон килинади ҳамда китоблар рўйхатини тузишда иштирокчиларнинг ёш тоифаси инобатга олинади.

4.6. Барча шартлар бўйича умумий баллар қўшиб хисобланганда, энг юкори кўрсаткичга эришган иштирокчи танловнинг галиби деб топилади. Агар иштирокчилар ўртасида умумий тўплланган баллар тенг келиб қолган тақдирда, I, II ва III ўринларни тақсимлаш Ҳакамлар хайъати аъзолари томонидан ҳал этилади.

Шунингдек, буюк аллома, адаб ва мутафаккирларимиз меросини чукур ўрганиш максадиди ҳамда уларнинг юбилий саналари муносабати билан ҳамкор ташкилотлар томонидан муайян йўналишларда қўшимча номинациялар таъсис этилиши мумкин. Қўшимчя номинациялар хакила маълумот ҳар йилги танловлар эълонида маълум килинади.

4.7. Ҳакамлар хайъати томонидан қабул килинган карорга шарх берилмайди ва ушбу карорни мухокама этишга йўл қўйилмайди.

V. Голибларни тақдирлаш

5.1. Танлов голиблари куйидаги тартибда тақдирланади:

Танловнинг туман (шахар) боскичи голиблари:

учта тоифада I-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг хар бири планишет, диплом ва Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар боскичига йўлланма билан;

учта тоифада 2-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг хар бири уяли телефон ва диплом билан;

учта тоифада 3-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг хар бири ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан иборат (20 та) китоблар жамланмаси ва диплом билан.

Танловнинг Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар боскичи голиблари:

учта тоифада 1-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг хар бири ноутбук, диплом ва танловнинг республика боскичига йўлланма билан;

учта тоифада 2-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг хар бири планишет ва диплом билан;

учта тоифада 3-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг хар бири ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан иборат (50 та) китоблар жамланмаси ва диплом билан;

Танловнинг Республика боскичи голиблари:

учта тоифада 1-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг хар бири кимматбаҳо совғалар, диплом ва “Ёш китобхон” статуэткаси билан;

учта тоифада 2-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг хар бири компьютер жамланмаси (моноблок), принтер (1x3), диплом ва “Ёш китобхон” статуэткаси билан;

учта тоифада 3-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг хар бири ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан иборат (200 та) китоблар жамланмаси, диплом ва “Ёш китобхон” статуэткаси;

- колган барча республика боскичи иштирокчиларининг хар бири ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан иборат (20 та) китоблар жамланмаси, сертификат ва “Ёш китобхон” статуэткаси билан такдирланади.

5.2. Танловнинг туман (шахар) боскичи голибларига бериладиган дипломлар туман (шахар) хокимлари томонидан, танловнинг Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар боскичи голибларига бериладиган дипломлар Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимлари томонидан, танловнинг Республика боскичи голибларига бериладиган дипломлар эса Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан имзоланади.

5.3. Кўшимча номинациялар бўйича голиблар ташкилий қўмиталар ва хамкор ташкилотчилар томонидан эсадалик совғалари билан такдирланади.

VII. Якуний коидалар

6.1. Танловни ўтказиш билан боғлик сарф-харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоки томонидан молиялаштирилади.

6.2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига ҳомийлик маблагларини жалб этиш мумкин.

**“ЁШ КИТОБХОН” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ИШТИРОКЧИСИ
АРИЗА АНКЕТАСИ**

Ф.И.Ш. _____

Тугилган йили (санас.оїй, йил) _____

Фото үчүн
жой

Миллати _____

Яшаш манзили: _____ вилоят _____ туман (шахри)
_____ күчаси, _____ уй, _____ хонадон.

Тел. _____

Паспорт ёки түгилганилк ҳақидаги гувохнома (нусхаси илова қилинади) маълумоти:

Серияси ___, раками _____, _____ йил,
_____ томонидан берилган.

Ўқииш ёки иш жойи _____

Шахсий имзо _____

Сана: _____